QMMB: 07/24/231/0445-son
25.06.2024-y.

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING**
**QARORI**

2024 yil «21» июнь №ПҚ–231

# Мактабгача ва мактаб таълими ташкилотлари ходимларини узлуксиз касбий ривожлантириш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Мактабгача ва мактаб таълими ташкилотлари раҳбар, педагог ва мутахассис кадрларини узлуксиз касбий ривожлантириш тизими самарадорлигини таъминлаш, уларнинг касбий билим, кўникма ва маҳоратини мунтазам ошириб бориш, Президент мактабларида тўпланган илғор тажрибаларни умумий ўрта таълим муассасаларига кенг татбиқ этиш мақсадида:

**1.** Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг:

Авлоний номидаги педагогларни касбий ривожлантириш ва янги методикаларга ўргатиш миллий-тадқиқот институти негизида **А.Авлоний номидаги педагогик маҳорат миллий институтини** (кейинги ўринларда – Институт) ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги педагогларни янги методикаларга ўргатиш миллий марказлари негизида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар **педагогик маҳорат марказларини** (кейинги ўринларда – Ҳудудий марказлар) ташкил этиш;

**Тошкент шаҳар педагогларни янги методикаларга ўргатиш миллий маркази** ҳамда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети тасарруфидаги **Республика педагогик таълим ресурс маркази** фаолиятини уларни Институтга қўшиш орқали **тугатиш;**

мактабгача ва мактаб таълими тизимидаги таълим ташкилотларининг халқаро тадқиқотларда муносиб иштирокини таъминлаш учун Институт тузилмасида унинг умумий штат бирликлари доирасида юридик шахс мақомига эга бўлмаган **Халқаро тадқиқотлар марказини ташкил этиш** тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

**2.** Қуйидагилар:

А.Авлоний номидаги педагогик маҳорат миллий институтининг асосий вазифалари **1-иловага** мувофиқ;

Мактабгача ва мактаб таълими ташкилотлари раҳбар, педагог ва мутахассис кадрларини узлуксиз касбий ривожлантириш тизимини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури **2-иловага** мувофиқ;

2030 йилгача мактабгача ва мактаб таълими ташкилотлари раҳбар, педагог ва мутахассис кадрларини узлуксиз касбий ривожлантириш бўйича эришиладиган мақсадли кўрсаткичлар **3-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

**3.** Белгилансинки, 2024/2025 ўқув йилидан бошлаб мактабгача ва мактаб таълими ташкилотлари раҳбар, педагог ва мутахассис кадрларини (кейинги ўринларда – ходимлар) қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг **яхлит тизими** жорий қилинади. Бунда:

Мактабгача таълим ташкилотлари директор ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти (кейинги ўринларда – Мактабгача таълим институти) **Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги бўйсунувига ўтказилади;**

Ҳудудий марказларнинг **мактабгача таълим ташкилотлари ходимларини** қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш фаолияти Мактабгача таълим институти томонидан мувофиқлаштирилади;

мактабгача ва мактаб таълими ташкилотлари ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича мавжуд қувватларни кенгайтириш учун **4-иловадаги 11 та педагогика коллежи бино ва иншоотлари,** тегишли мол-мулки билан бирга Ҳудудий марказлар тасарруфига **ўтказилади;**

Ҳудудий марказлар тасарруфига ўтказиладиган педагогика коллежлари фаолияти уларда таълим олаётган ўқувчилар ўқишини тамомлаши муддатларига мос равишда **босқичма-босқич тугатилади** ва уларнинг бино ва иншоотларидан мактабгача ва мактаб таълими ташкилотлари ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш мақсадларида фойдаланилади;

мактабгача таълим ташкилотларининг педагог ва мутахассис кадрларини узлуксиз касбий ривожлантириш бўйича **“Виртуал касбий ривожлантириш” электрон дастури** жорий этилади.

QMMB: 07/24/231/0445-son
25.06.2024-y.



**4. 2025 йил 1 январдан** бошлаб мактабгача ва мактаб таълими ташкилотлари ходимларини касбий ривожлантиришнинг қуйидаги тартиби жорий этилсинки, унга мувофиқ:

а) мактабгача ва мактаб таълими ташкилотлари ходимларини **касбий эҳтиёжлари** ва **малака тоифасидан** келиб чиқиб **табақалашган таълим дастурлари** асосида узлуксиз касбий ривожлантиришнинг **вертикал тизими** (вазирлик – малака ошириш муассасаси – таълим ташкилоти) йўлга қўйилади;

б) мактабгача ва мактаб таълими ташкилотларининг ходимлари учун **беш йилда бир маротаба** ишдан ажралган ҳолда ўтказиладиган **малака ошириш курслари** жорий қилинади. Бунда:

раҳбар кадрлар учун малака ошириш курслари **менежерлик ўқув курслари** учун жорий этилган тартиб асосида, педагог ва мутахассис кадрлар учун – **вариатив (ихтиёрий танлов) ва инвариант (мажбурий) модуллардан** иборат бўлган ҳамда уларда **замонавий компетенцияларни шакллантиришга** йўналтирилган таълим дастурлари бўйича ташкил этилади;

малака ошириш курсларида таълим олаётган тингловчилар билимини баҳолаш **жараёнларининг** педагог кадрларга малака тоифасини бериш ва уларни касбий сертификатлаш **тизимлари билан узвийлиги таъминланади;**

малака ошириш курслари оралиғида ходимларнинг **ўзаро тажриба алмашиш ва ўзини ўзи мустақил ривожлантиришга** асосланган **узлуксиз касбий ривожлантириш** шакллари ташкил этилади;

в) малака ошириш тизими **натижаларини баҳолашнинг** янги тартиби жорий этилади ва унинг доирасида мактабгача ва мактаб таълими ташкилотлари ходимларининг **фаолият самарадорлигини оширишга** алоҳида эътибор қаратилади;

г) Президент мактабларида ўқувчиларни ўқитиш, касб-ҳунарга йўналтириш, уларда танқидий фикрлаш, ахборотни излаш ва таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантириш, олинган билимларни амалиётда қўллаш бўйича тўпланган илғор тажрибалар узлуксиз касбий ривожлантириш тизими орқали умумий ўрта таълим муассасаларига кенг татбиқ этилади.

**5.** Белгилаб қўйилсинки, **2025 йил 1 январдан** бошлаб педагог ва мутахассис кадрлар касбий ривожланишининг узлуксизлигини таъминлаш мақсадида барча умумий ўрта таълим муассасаларида малака оширишнинг **"Касбий ривожланиш соати"**, таянч умумий ўрта таълим муассасаларида эса, шунингдек, **"Касбий ривожланиш куни"** каби шакллари босқичма-босқич жорий этилади. Бунда:

“Касбий ривожланиш соати” ва “Касбий ривожланиш куни” тадбирларини ташкил этиш учун ҳар бир туман (шаҳар)да юқори малакали ўқитувчилар орасидан фанлар кесимида ментор-ўқитувчилар таркиби шакллантирилади;

“Касбий ривожланиш соати” доирасида фан методика бирлашмалари ва ментор-ўқитувчилар томонидан ўқитувчиларнинг дарслари таҳлил қилинади, уларга методик ёрдам кўрсатилади, касбий ривожланиши бўйича тавсиялар берилади;

“Касбий ривожланиш куни” доирасида ҳар битта фан бўйича таянч умумий ўрта таълим муассасалари танланади ва ушбу муассасаларда ўқитувчилар учун касбий ривожлантириш бўйича ўқув машғулотлари ўтказилади;

Институт ва Ҳудудий марказларда ментор-ўқитувчилар учун алоҳида тайёрлов курслари ташкил этилади;

ментор-ўқитувчи сифатида фаолият юритаётган фан ўқитувчиларига асосий иш жойи бўлган умумий ўрта таълим муассасаси директор жамғармаси ҳисобидан лавозим маошининг **20 фоизи миқдорида** қўшимча ҳар ойлик устама ҳақ тўланади.

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова) икки ой муддатда **“Касбий ривожланиш соати”** ва **“Касбий ривожланиш куни” тадбирларини ўтказиш** тартибини тасдиқласин.

**6.** Белгилансинки, **2024 йил 1 июлдан** бошлаб мактабгача ва мактаб таълими ташкилотлари ходимларининг хорижда малака ошириш курсларида ўқиганлиги ёки стажировкадан ўтганлиги ҳақидаги ҳужжатлари (диплом, сертификат, гувоҳнома ва бошқалар) миллий узлуксиз касбий ривожлантириш тизимида **малака оширганлик тўғрисидаги ҳужжат сифатида тан олинади.**

Бунда хориждаги малака ошириш курслари ва стажировкаларга қўйиладиган талаблар Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги томонидан тасдиқланади.

**7.** Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова) **2025 йил 1 январга** қадар Институт ва Ҳудудий марказларга **камида бир нафардан** нуфузли хорижий олий таълим ташкилотларини битирган **чет эллик мутахассисларни,** шунингдек, ушбу муассасаларнинг методик хизмат кўрсатиш бўлимлари методисти лавозимига юқори малакали ва тажрибали кадрларни жалб қилсин.

Белгилансинки:

Институт ва Ҳудудий марказларнинг методик хизмат кўрсатиш бўлимлари методистларининг базавий тариф ставкаси миқдори олий таълим муассасаси илмий даража ёки илмий унвонга эга бўлган катта ўқитувчисининг базавий тариф ставкасига тенглаштирилади;

Институт ва Ҳудудий марказларнинг мазкур қарорга мувофиқ жалб қилинадиган чет эллик мутахассисларига Президент мактабларининг хорижий мутахассисларига нисбатан жорий этилган меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари татбиқ этилади;

Институт ва Ҳудудий марказларга чет эллик мутахассисларни жалб қилиш ва уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш билан боғлиқ харажатларни **Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамда Мактабгача ва мактаб таълими вазири жамғармаси маблағлари** ҳисобидан қоплашга рухсат этилади.

**8.** Институт ва Ҳудудий марказларга ўқув машғулотларини олиб бориш учун **бакалавр даражасига эга бўлган**, касбий фаолиятида **юқори натижаларга эришган** ҳамда тегишли халқаро ёки миллий **сертификатларни қўлга киритган** мутахассисларни ишга қабул қилишга рухсат этилсин. Бунда:

Институт ва Ҳудудий марказларнинг бакалавр даражасига эга бўлган мутахассисларига нисбатан олий таълим муассасаларининг илмий унвонга ёки илмий даражага эга бўлмаган ассистент ўқитувчилари учун белгиланган лавозим маоши қўлланади;

бакалавр даражасига эга бўлган мутахассисларга қўйиладиган талаблар Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги томонидан белгиланади.

**9.** 2024–2027 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар педагогик маҳорат марказларининг моддий-техника базасини босқичма-босқич мустаҳкамлаш бўйича асосий параметрлар **5-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

**10.** Белгилаб қўйилсинки:

Ҳудудий марказларда амалга ошириладиган қурилиш-таъмирлаш ишлари бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун талаб этиладиган маблағлар Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурида (кейинги ўринларда – Дастур) лойиҳа-қидирув ишлари учун кўзда тутилган маблағлар ҳисобидан ажратилади;

2024 йилда Ҳудудий марказларда қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун талаб этиладиган 50 миллиард сўм миқдоридаги маблағлар Дастур доирасида ажратилади, 2025 йилдан бошлаб эса, Дастурни шакллантиришда белгиланган тартибда инобатга олинади;

Ҳудудий марказларда амалга ошириладиган қурилиш-таъмирлаш ишлари бўйича буюртмачи этиб – Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги "Инфратузилмани ривожлантириш" инжиниринг компанияси, жиҳозлаш ишлари бўйича – Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳузуридаги "Таъминот ва логистика хизмати" давлат унитар корхонаси белгиланади.

**11.** Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги тизимидаги соғломлаштириш оромгоҳлари **6-иловага** мувофиқ Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги тизими ходимлари, илғор педагоглар ҳамда иқтидорли ўқувчилар учун мўлжалланган дам олиш масканлари сифатида қайта ташкил этилсин.

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова) Адлия вазирлиги (А.Ташкулов) ҳамда Кадастр агентлиги (Ф.Пулатов) билан биргаликда **икки ой муддатда** ушбу дам олиш масканлари уставларини рўйхатдан ўтказиш ҳамда тегишли кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш чораларини кўрсин.

**12.** Белгилансинки, мазкур қарор ижросини таъминлаш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш 2024 йилда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигига ажратилган маблағлар доирасида амалга оширилади, 2025 йилдан бошлаб эса Давлат бюджети параметрларида назарда тутилади.

**13.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 7-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

**14.** Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова) **уч ой муддатда:**

мактабгача ва мактаб таълими ташкилотлари ходимларини узлуксиз касбий ривожлантиришни ташкил этишга оид Ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Институт ва Ҳудудий марказларга профессионал, малакали ва замонавий талабларга жавоб берадиган маъмурий-бошқарув ва педагог ходимлар, шу жумладан, хорижий мутахассисларни танлов асосида қабул қилиш тартибини жорий этсин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

**15.** Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб мактабгача ва мактаб таълими вазири Х.У. Умарова белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Ижтимоий ривожланиш департаменти раҳбари О.Қ. Абдурахмонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** — **Ш. Мирзиёев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

Тошкент шаҳри

QMMB: 07/24/231/0445-son
25.06.2024-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2024 йил 21 июндаги ПҚ–231-сон қарорига
1-илова

## А.Авлоний номидаги педагогик маҳорат миллий институтининг асосий вазифалари

**1)** Президент мактабларида ўқувчиларни ўқитиш, касб-ҳунарга йўналтириш, уларда танқидий фикрлаш, ахборотни излаш ва таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантириш, олинган билимларни амалиётда қўллаш бўйича тўпланган илғор тажрибаларни узлуксиз касбий ривожлантириш тизими орқали умумий ўрта таълим муассасаларига кенг татбиқ этиш;

**2)** раҳбар, педагог ва мутахассис кадрларни узлуксиз касбий ривожлантириш тизими самарадорлигини таъминлаш, уларнинг касбий билим, кўникма ва маҳоратини мунтазам ошириб бориш, малака ошириш ва қайта тайёрлашнинг анъанавий, муқобил, дуал ва мустақил шаклларини амалиётга кенг жорий этиш;

**3)** малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларининг ўқув режа ва дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни замон талаблари ва хорижий илғор тажрибалар асосида такомиллаштириб бориш;

**4)** келажак мактаби, унинг раҳбари ва ўқитувчисининг моделини яратиш асосида умумий ўрта таълим муассасалари ходимларининг касбий стандартларини ишлаб чиқиш ва доимий тарзда ривожлантириб бориш, ўқув-методик фаолиятнинг таълим жараёни билан алоқаларини мустаҳкамлаш;

**5)** давлат ва нодавлат таълим ташкилотлари учун узлуксиз касбий ривожлантириш курсларининг намунавий ўқув режа ва дастурларини ишлаб чиқиш ва доимий янгилаб бориш;

**6)** умумий ўрта таълим соҳасидаги илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш ва мамлакатимизда жорий этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш, хорижий етакчи таълим ташкилотлари билан халқаро алоқаларни ривожлантириш;

**7)** умумий ўрта таълимнинг долзарб муаммолари юзасидан турли дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш, илмий-услубий конференция ва семинарлар ташкил этиш;

**8)** докторантура йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича юқори малакали кадрларни тайёрлаш, илмий ходимларнинг касбий билим даражасини доимий ошириб бориш;

**9)** "Узлуксиз касбий таълим" махсус электрон платформасини юритиш ва унинг фаолиятини такомиллаштириб бориш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2024 йил 21 июндаги ПҚ–231-сон қарорига
2-илова

**Мактабгача ва мактаб таълими ташкилотлари раҳбар, педагог ва мутахассис кадрларини узлуксиз касбий ривожлантириш тизимини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури**

| Т/р | Чора-тадбирлар | Амалга ошириш механизми | Бажариш муддати | Молиялаштириш манбаи | Ижро учун масъуллар |
|---|---|---|---|---|---|
| **I. Меъёрий-ҳуқуқий, ташкилий ва ўқув-методик базани такомиллаштириш** | | | | | |
| 1. | Мактабгача ва мактаб таълими ташкилотлари раҳбар, педагог ва мутахассис кадрларини узлуксиз касбий ривожлантиришни ташкил этиш тартибини ишлаб чиқиш. | 1. “Мактабгача ва мактаб таълими ташкилотлари раҳбар, педагог ва мутахассис кадрларини узлуксиз касбий ривожлантиришни ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш.<br>Бунда қуйидагиларни инобатга олиш:<br>малака ошириш курсларини табақалаштирилган ўқув режа ва дастурлари асосида ташкил этиш;<br>малака ошириш курсларининг ўқув дастурларини педагог кадрларнинг касбий, шахсий ва жамоавий компетенцияларини ривожлантиришга йўналтириш;<br>малака ошириш курсларининг таълим мазмунига халқаро баҳолаш дастурлари (PISA, TIMSS, PIRLS) бўйича модулларни киритиш;<br>малака ошириш курслари натижадорлигини аниқлашга қаратилган баҳолаш тизимини жорий этиш;<br>малака ошириш тизимининг малака тоифаларини бериш ва касбий сертификатлаш тизимлари билан узвийлигини таъминлаш; | 2024 йил октябрь | – | Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова),<br>Адлия вазирлиги (А.Ташкулов),<br>“Таълим соҳасидаги лойиҳалар маркази” лойиҳа офиси (А.Худайкулов),<br>Таълимни ривожлантириш республика илмий-методик маркази (Ю.Рисюкова) |

| Т/р | Чора-тадбирлар | Амалга ошириш механизми | Бажариш муддати | Молиялаштириш манбаи | Ижро учун масъуллар |
|---|---|---|---|---|---|
| | | малака ошириш курсларида ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш шартларини қайта кўриб чиқиш. | | | |
| 2. | Умумий ўрта таълим муассасалари ўқитувчиларининг “Касбий ривожланиш соати” ва “Касбий ривожланиш куни”ни ташкил этиш. | 1. Умумий ўрта таълим муассасаларида “Касбий ривожланиш соати” ва “Касбий ривожланиш куни” тадбирларини ташкил этиш тартибни ишлаб чиқиш.<br>2. Таянч умумий ўрта таълим муассасалари рўйхатини шакллантириш.<br>3. Педагогларни касбий ривожлантиришнинг намунавий дастурини тасдиқлаш. | 2024 йил декабрь | – | Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова), Таълимни ривожлантириш республика илмий-методик маркази (Ю.Рисюкова) |
| 3. | Мактабгача таълим ташкилотлари педагог кадрлари учун узлуксиз касбий ривожланиш тизимини ташкил этиш. | 1. Мактабгача таълим ташкилотларида узлуксиз касбий ривожланиш тизимини жорий этиш тартибини ишлаб чиқиш.<br>2. Мактабгача таълим ташкилотлари педагог кадрлари учун узлуксиз касбий ривожланиш тизимини жорий этиш бўйича буйруқни тасдиқлаш.<br>3. Педагогларни узлуксиз касбий ривожлантиришнинг намунавий дастурини ишлаб чиқиш. | 2025 йил январь | – | Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова), Мактабгача таълим агентлиги (А.Шин) |
| 4. | Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари ўқув режа ва дастурларини илғор хорижий тажрибалар асосида такомиллаштириш. | 1. Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш соҳасидаги хорижий тажрибаларни ўрганиш.<br>2. Педагог кадрларга касбий, жамоавий, индивидуал компетенциялар ва халқаро баҳолаш дастурларига (PISA, TIMSS, PIRLS) асосланган замонавий методикаларни ўқитишга қаратилган вариатив ва инвариант ўқув дастурларни жорий этиш. | 2024 йил ноябрь<br><br>2024 йил декабрь | – | Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова), “Таълим соҳасидаги лойиҳалар маркази” лойиҳа офиси |

| Т/р | Чора-тадбирлар | Амалга ошириш механизми | Бажариш муддати | Молиялаштириш манбаи | Ижро учун масъуллар |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | (А.Худайкулов), Таълимни ривожлантириш республика илмий-методик маркази (Ю.Рисюкова) |
| 5. | Педагогик маҳорат ва халқаро баҳолаш илмий-амалий маркази фаолиятини янада такомиллаштириш. | 1. Педагогик маҳорат ва халқаро баҳолаш илмий-амалий марказига мактабгача ва мактаб таълими тизими педагог кадрларига малака тоифаларни бериш жараёнларини ташкил этиш, тест саволларини ишлаб чиқиш, бу борада халқаро экспертлар билан шартномалар тузиш, маҳаллий экспертлар учун семинар ва тренинглар ташкил этиш ва бошқа тегишли ишларни амалга ошириш бўйича қўшимча вазифалар белгилаш. | Доимий | – | Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (И.Норқулов) |
| | | 2. Педагогик маҳорат ва халқаро баҳолаш илмий-амалий марказининг умумий бошқарув ходимларининг чекланган сонини А.Авлоний номидаги педагогик маҳорат миллий институти ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар педагогик маҳорат марказлари методик хизмат кўрсатиш бўлимлари методистларининг штат бирликлари сонини мақбуллаштириш ҳисобига 36 нафардан 64 нафаргача етказиш. | 2024 йил июль | | |
| | | 3. Педагог кадрларни навбатдан ташқари аттестациядан ўтказиш бўйича давлат хизматини кўрсатганлиги учун ундириладиган йиғимлардан Мактабгача ва мактаб вазирлигига ўтказиладиган қисмнинг 50 фоизини Педагогик маҳорат ва халқаро баҳолаш илмий-амалий марказига йўналтириш. | 2024 йил 1 августдан бошлаб | | |

| Т/р | Чора-тадбирлар | Амалга ошириш механизми | Бажариш муддати | Молиялаштириш манбаи | Ижро учун масъуллар |
|---|---|---|---|---|---|
| 6. | А.Авлоний номидаги педагогик маҳорат миллий институти ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар педагогик маҳорат марказларининг тузилмасини тасдиқлаш. | 1. Институт ва ҳудудий марказлар тузилмасини тасдиқлаш ҳамда лавозимлар бўйича штатлар сонини белгилаш тўғрисидаги буйруқни қабул қилиш.<br>Бунда:<br>жами ходимларнинг умумий (техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимлар ҳамда профессор-ўқитувчилардан ташқари) чекланган сонини 701 нафар этиб белгилаш, шундан маъмурий-бошқарув ва илмий ходимлар учун 421 нафар, методик хизмат кўрсатиш ва бошқа бўлим методистлари учун 280 нафар штат бирликларини назарда тутиш;<br>техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимларни олий таълим муассасалари учун белгиланган намунавий штатлар ва меъёрлар асосида киритиш;<br>бошқарув ходимлар таркибида бош мутахассис ва етакчи мутахассис лавозимларини ҳам киритиш. | 2024 йил август | – | Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова) |
| **II. Кадрлар салоҳиятини ошириш** | | | | | |
| 7. | А. Авлоний номидаги педагогик маҳорат миллий институти ва ҳудудий педагогик маҳорат марказлари раҳбар ва педагог кадрларини хорижий олий таълим ташкилотларга мақсадли равишда малака оширишга юбориш. | 1. Малака оширишга юбориладиган хорижий таълим муассасалари билан келишувга эришиш.<br><br>2. Хорижий таълим ташкилотларининг талабидан келиб чиқиб, мақсадли равишда малака оширишга юбориш учун раҳбар ва педагог кадрларни саралаш тартибини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.<br>3. Тасдиқланган тартиб асосида саралаш жараёнларини ўтказиш. | Ҳар йили 1 июнга қадар<br><br>2024 йил сентябрь<br><br>Ҳар йили октябрь ойида | Бюджетдан ташқари маблағлар | Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова) |

| Т/р | Чора-тадбирлар | Амалга ошириш механизми | Бажариш муддати | Молиялаштириш манбаи | Ижро учун масъуллар |
|---|---|---|---|---|---|
| | | 4. Саралаб олинган раҳбар ва педагог кадрларни мақсадли малака ошириш курсларига юбориш. | Режа-жадвал асосида | | |
| 8. | Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар педагогик маҳорат марказлари раҳбар ва профессор-ўқитувчиларининг малакасини ошириш тизимини йўлга қўйиш. | 1. А. Авлоний номидаги педагогик маҳорат миллий институтида илғор хорижий ташкилотлардан тренерларни жалб қилган ҳолда малака ошириш курсларини ташкил этиш.<br>2. Педагогик маҳорат марказлари раҳбар ва профессор-ўқитувчиларининг малакасини ошириш режа-жадвалини тузиш. | 2025 йил январь<br><br>2025 йил март | Бюджетдан ташқари маблағлар | Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова) |
| 9. | Мактабгача ва мактаб таълими тизими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ташкилотлари маъмурий-бошқарув ва педагог кадрларининг сифат таркибини яхшилаш. | А. Авлоний номидаги педагогик маҳорат миллий институти, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар педагогик маҳорат марказларининг маъмурий-бошқарув ва педагог ходимлари таркибини қайта кўриб чиқиш ва уларни малакали кадрлар билан тўлдириш. | 2024 йил декабрь | – | Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова), Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги (Б.Мусаев) |
| 10. | А.Авлоний номидаги педагогик маҳорат миллий институти ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар педагогик маҳорат марказларида ўқув машғулотларини олиб бориш учун бакалавр даражасига эга бўлган, касбий фаолиятида юқори натижаларга эришган ҳамда тегишли халқаро ва миллий сертификатларни қўлга киритган мутахассисларга қўйиладиган талабларни тасдиқлаш. | 1. Институт ва Ҳудудий марказларда ўқув машғулотларини олиб бориш учун жалб этиладиган бакалавр даражасидаги мутахассисларга қўйиладиган талабларни ва уларни муайян муддатга ишга қабул қилиш тартибини ишлаб чиқиш.<br>2. Ишлаб чиқилган тартибни манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан келишган ҳолда тасдиқлаш. | 2024 йил ноябрь<br><br>2024 йил декабрь | – | Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова), Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги (Б.Мусаев), Адлия вазирлиги (А.Ташкулов) |

| Т/р | Чора-тадбирлар | Амалга ошириш механизми | Бажариш муддати | Молиялаштириш манбаи | Ижро учун масъуллар |
|---|---|---|---|---|---|
| 11. | Мактабгача ва мактаб таълими ташкилотлари ходимларининг хорижда малака ошириш курсларида ўқиганлиги ёки стажировкадан ўтганлиги ҳақидаги ҳужжатларини (диплом, сертификат, гувоҳнома ва бошқалар) малака оширганлик тўғрисидаги ҳужжат сифатида тан олиш тизимини жорий қилиш. | 1. Хорижий таълим ташкилотларининг муқобил малака ошириш шакли сифатида тан олинадиган малака ошириш курслари ва стажировкалари рўйхатини шакллантириш ва тасдиқлаш.<br>2. Рўйхатни янгилаб бориш. | 2024 йил июль<br><br>Ҳар йили 1 сентябрга қадар | – | Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова) |
| **III. Ахборот-коммуникация технологиялари инфратузилмасини ривожлантириш** | | | | | |
| 12. | Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг “Узлуксиз касбий таълим” махсус электрон платформасини такомиллаштириш. | 1. “Узлуксиз касбий таълим” махсус электрон платформасини Электрон ҳукуматнинг ягона идентификация тизимига интеграция қилиш.<br>2. “Узлуксиз касбий таълим” махсус электрон платформасига малака оширишнинг барча таълим дастурларини масофадан ўрганиш имкониятларини берадиган қўшимча функция киритиш.<br>3. Малака оширишга оид контентлар яратиш ва “Узлуксиз касбий таълим” махсус электрон платформасига жойлаштириш. | 2024 йил декабрь | Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари маблағлар доирасида | Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова) |
| 13. | Мактабгача таълим ташкилотларининг педагог ва мутахассис кадрларини узлуксиз касбий ривожлантириш бўйича “Виртуал касбий ривожлантириш” электрон дастури жорий этиш. | 1. “Виртуал касбий ривожлантириш” электрон дастури ишлаб чиқиш.<br>2. “Виртуал касбий ривожлантириш” электрон дастурини Электрон ҳукуматнинг ягона идентификация тизимига интеграция қилиш.<br>3. “Виртуал касбий ривожлантириш” электрон дастурига малака оширишнинг барча таълим дастурларини масофадан ўрганиш имкониятларини берадиган функция киритиш. | 2024 йил декабрь | Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари маблағлар доирасида | Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова), Мактабгача таълим агентлиги (А.Шин) |

| Т/р | Чора-тадбирлар | Амалга ошириш механизми | Бажариш муддати | Молиялаштириш манбаи | Ижро учун масъуллар |
|---|---|---|---|---|---|
| | | 4. Малака оширишга оид контентлар яратиш ва “Виртуал касбий ривожлантириш” электрон дастурига жойлаштириш. | | | |
| **IV. Илмий тадқиқот ишларини takомиллаштириш** | | | | | |
| 14. | Педагог кадрларни касбий ривожлантириш соҳасида мавжуд илмий муаммоларни самарали таҳлил қилиш чораларини кўриш. | 1. Педагог кадрларни касбий ривожлантириш соҳасидаги илмий муаммоларни аниқлаш бўйича етук олимлардан иборат ишчи гуруҳни шакллантириш.<br>2. Ишчи гуруҳ томонидан педагог кадрларни касбий ривожлантиришнинг илмий муаммолари ва уларнинг ечими бўйича тадқиқот мавзулари рўйхатини шакллантириш.<br>3. Тадқиқот мавзулари бўйича илмий изланишлар олиб бориш. | 2024 йил октябрь<br>2024 йил декабрь<br>Талаб асосида белгиланган муддатларда | Илмий фаолиятга оид дастурларни амалга ошириш учун Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан ўтказиладиган танловлар натижалари бўйича ажратиладиган грантлар | Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (К.Шарипов) |
| 15. | Институт ҳузурида “Таълимда менежмент”, “Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи”, “Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси” ихтисосликлари бўйича ташкил этилган илмий кенгашлар фаолиятини такомиллаштириш. | 1. Илмий кенгашлар таркибини қайта кўриб чиқиш.<br>2. Илмий кенгашларнинг янги таркибини Олий аттестация комиссиясида тасдиқлаш.<br>3. Илмий кенгашлар фаолиятини самарали ташкил этиш. | 2024 йил сентябрь<br>2024 йил сентябрь<br>Доимий | – | Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова), Олий аттестация комиссияси (А.Юсупов) |
| 16. | Абдулла Авлоний номидаги педагогик маҳорат миллий институтининг 90 йиллигини кенг нишонлаш ишларини ташкил этиш. | 1. А.Авлоний номидаги педагогик маҳорат миллий институтининг 90 йиллигига бағишланган халқаро илмий-амалий конференция ташкил этиш.<br>2. А.Авлоний номидаги педагогик маҳорат миллий институтининг тарихи ва бугунги кундаги фаолиятига бағишланган рисола нашр этиш. | 2024 йил ноябрь<br>2024 йил декабрь | А.Авлоний номидаги педагогик маҳорат миллий институтининг бюджетдан ташқари маблағлари | Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова) |

| Т/р | Чора-тадбирлар | Амалга ошириш механизми | Бажариш муддати | Молиялаштириш манбаи | Ижро учун масъуллар |
|---|---|---|---|---|---|
| | | **V. Моддий-техник базани мустаҳкамлаш** | | | |
| 17. | Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар педагогик маҳорат марказлари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш. | 1. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар педагогик маҳорат марказларида қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга ошириш бўйича техник талабларни ишлаб чиқиш.<br>2. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар педагогик маҳорат марказларининг ўқув аудиторияларини зарур мебель жиҳозлари, ахборот-коммуникация техникалари ва STEAM лабораториялари билан таъминлаш меъёрларини ишлаб чиқиш.<br>3. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар педагогик маҳорат марказларини зарур мебель жиҳозлари, ахборот-коммуникация техникалари ва STEAM лабораториялари билан жиҳозлаш. | 2024 йил сентябрь<br>2024 йил октябрь<br>2025 йил 1 январдан бошлаб | Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари маблағлар доирасида | Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари |
| 18. | Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар педагогик маҳорат марказларида ситуацион ўқув хона ва виртуал лабораторияларни ташкил этиш. | 1. Ситуацион ўқув хона ва виртуал лабораторияларни жиҳозлаш меъёрларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.<br>2. Ситуацион ўқув хона ва виртуал лабораторияларни ташкил этиш. | 2024 йил август<br>2025 йил 1 январдан бошлаб | Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари маблағлар доирасида | Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова) |
| 19. | Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги тизими ходимлари, жумладан, педагог кадрлар ҳамда иқтидорли ўқувчилар учун дам олиш масканлари фаолиятини ташкил этиш. | Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги тизими ходимлари, жумладан, педагог кадрлар ҳамда иқтидорли ўқувчилар учун дам олиш масканлари фаолиятини ташкил этиш юзасидан норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш.<br>Бунда норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасида:<br>дам олиш масканларига дам олувчиларни қабул қилиш тартибини; | 2024 йил декабрь | – | Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова), Адлия вазирлиги (А.Ташкулов), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (И.Норқулов) |

| Т/р | Чора-тадбирлар | Амалга ошириш механизми | Бажариш муддати | Молиялаштириш манбаи | Ижро учун масъуллар |
|---|---|---|---|---|---|
| | | дам олиш масканларининг намунавий штатлар жадвалини ишлаб чиқиш ва тасдиқлашни назарда тутиш. | | | |
| 20. | Мактабгача ва мактаб таълими ташкилотлари директори лавозимига номзодлар учун ташкил этилган ўқув курсларига тажрибали ва амалиётчи мутахассисларни профессор-ўқитувчи сифатида жалб этиш. | Профессор-ўқитувчилар меҳнатига ҳақ тўлаш учун назарда тутилган маблағлар доирасида ўқув машғулотларини ўтказишга тажрибали ва амалиётчи мутахассисларни заруратга қараб тўлиқ меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш шартлари асосида жалб этиш. | 2024 йил 1 июлдан бошлаб | Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари маблағлар доирасида | Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова) |
